



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 225 (10.278)

2004 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ

18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

ОЗОД ЭЛНИНГ МУҚАДДАС БАЙРОҒИ

Давлат рамзлари шу юрт тарихи ва келажаги, анъаналари, қадриятлари, қудрати ва эзгу ниятлари тимсолидир. Аждодларимиз ҳам ўз туғи ва туғроси атрофида жипслашганлар.

Бундан ўн уч йил муқаддам мустақил Ватанимизнинг давлат байроғи қабул қилинган эди. Ун уч йилдирки, у мамлакатимиздаги ташкилот ва идоралар қатори давлатимиз аъзо бўлган нуфузли халқаро ташкилотлар пештоқида ҳам хиллаб турибди.

Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов ташаббуси билан ҳали мустабид тузум батамом емирилиб битмаган бир пайтда, 1990 йилнинг март ойида ўтган парламент сессиясида Ўзбекистоннинг давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама этилганди.

Уша йилнинг 20 июнида қабул қилинган Мустақиллик декларациясида мамлакатимиз ўз давлат рамзларини таъсис этиши тўғрисидаги масала қайд этилган. Кўп ўтмай халқимизнинг тарихий орузи ушалди: Ватанимиз истиқлолга аришти. 1991 йил 18 ноябрь куни эса Президентимиз Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонунга имзо чекди. Унда байроғимиз мамлакатимиз суверенитети рамзи экани алоҳида таъкидланган.

Бугун у Ўзбекистоннинг чет мамлакатлардаги элчихоналари узра Ватанимиз ва халқимизнинг ёрқин тимсоли бўлиб балқимокда. Халқаро спорт мусобақаларида голиб бўлган юртдошларимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилганда ўзини Ўзбекистон фарзанди деб билгучи ҳар бир кишининг қалбида гурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Зеро, Ватан байроғи унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Байроқ қадим-қадимдан Ватан озодлиги, миллат бирлиги ва ғалабаси тимсоли бўлиб келган.

Байроғимиздаги ҳар бир ранг ва белгида халқимизнинг асрий анъаналари, миллий қадриятларимиз акс этган. Мовий ранг азалдан куч-қудрат, тинчлик, тенглик, бегуборлик, доғишманчлик тимсоли саналган. Оқ ранг поклик ва фаровонлик, халқимизнинг барқиратиллиги ва оққўнлиги ифодаси. Яшил ранг яшариш ва янгилашиш тимсоли. Қизил чизиқлар томирларимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат - мангулик ифодасидир.

Байроғимиздаги ярим ой ва юлдузлар тасвири озодлик, барқарорлик, келажакка ишонч, иймон-эътиқод тимсолидир. Шарқда ўн икки рақам муқам-маллик рамзи саналган. Ун икки ой, ўн икки бурж... Сохибқирон Амир Темур ҳам давлат бошқарувида раиятнинг ўн икки қатламга алоҳида эътибор қаратгани тарихдан маълум.

Бинобарин, байроғимиздаги хилол ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос теран маънога эга.

...Мусаффо осмонимиз узра мағрур хиллаб келган байроғимиз юракларда ҳаяжон ва гурур уйғотади. Зотан, у ҳар бир ватандошимиз учун Ватан ва Миллат бирлиги, ифтихори ва ҳурлиги рамзидир. Уни мудом эъзозлаш барчамизнинг қонуний, виждоний бурчимиздир.

Рустам ЖАББОРОВ, ЎзА шарҳловчиси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегия ва минтақаларро тадқиқотлар институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда «Сайлов-2004» туркумида ўндан зиёд сиёсий адабиётни нашр этди.

«САЙЛОВ-2004»:

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жаъобгарлик» (М.Рустамбоев), «Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш» (К.Хамидова), «Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими» (Х.Муҳамедов), «Выборы: вопросы и ответы» (Ф.Муҳиддинова), «Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги» (Б.Мустафоев) китобларида сайлов тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, уни ўтказиш тартиби ва асослари, сайловчи ва номзодларга қўйилган талаблар ҳамда партияларни молиялаштириш асослари батафсил ёритилган.

«Сайлов қонунчилиги: 100 саволга юз жавоб» (М.Ахмадшоева, Ш.Расулов), «Ким депутат бўлиши мумкин?» (Б.Мустафоев, Қ.Назаров), «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти» (М.Хусанова), «Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги этикиси» (О.Жумаев) рисолаларида номзодлар

ва депутатнинг маънавий қиёфаси, масъулияти ва бурчи тўғрисида атрафлича мулоҳаза юритилади.

Бу ғалба сайлов кампаниясини ёритишда мингга яқин оммавий ахборот воситаси иштирок этаётди. «Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари» (Ф.Мирзаев) рисоласида сайловлар ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳамда жамият қурилишини демократлаштириш жараёнида туган ўрни қизиқарли фикр-мулоҳазалар асосида очиб берилган.

«Сайловлар ва сиёсий партиялар» (И.Беков, Ш.Аббосхўжаев), «Международное право и избирательное законодательство Республики Узбекистан» (А.Саидов), «Формирование Сената» (С.Лебедева), «Избирательное право и избирательный процесс в Узбекистане: словарь» (Б.Мустафоев, Д.Ахмедов) китобларида эса халқаро сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари ва андозалари, юртимизда Олий Мажлис Сена-

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов тақлифига биноан Туркменистон Президенти Сапармурот Ниёзов 2004 йил 19 ноябрь куни расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Бухорода бўладиган олий даражадаги музокара-лар чоғида Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланади.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВ



АҚШ давлат қотибнинг ёрдამчиси Майкл Козак Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, икки палатали парламентнинг ilk сайловига тайёргарлик жараёни борасида ўзаро фикр алмашилди.

Бўлажак сайловнинг жаҳон стандартлари ва инсон ҳуқуқларига тўла риоя этилган ҳолда ташкил этилаётгани Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий тизимни демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг ёрқин мисоли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда қайд этилганидек, бугунги кунда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатган депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тегишли ҳужжатларни ўрганиш ишлари якунига етмоқда. Сайлов иштирокчиларига сайловолди ташвиқотини олиб бориши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароит яратилган.

Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик жараёни миллий қадриятлар ва халқаро андозалар доирасида олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилган. Бўлажак сайловда 14 миллиондан ортиқ фуқаро овоз беради.

ЎЗА

ХУЎ Сағоси

Барча маълумотлардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Миллий матбуот марказида тўртинчи Марказий Осие Экожурналистика фестивалининг очилиш маросими ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Бадиий академиясида «Туркман тасвирий ва анъанавий санъати» кўرғазмаси очилди. Унда туркман элнинг урф-одатларига мансуб миллий руҳдаги асарлар намойиш этилмоқда.
- Россиядан келтирилган «Spektr» русумли иккита янги трамвай Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсата бошлади. «Уралтранс-маш» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган ушбу трамвайлар мамлакатимизда ярим йил давомида сновдан ўтказилди.
- Навоий вилоятдаги «Умр» номли ногирон болаларга кўмаклашиш марказида церебрал паралич билан касалланган болалар соғлигини тиклаш ишлари бошланди. Бунинг учун Навоий тоғ-металлургия комбинати ва шаҳар ҳокимлиги молиявий кўмакда спорт анжумани ва тренажерлар харид қилинди.
- Кўргонтепа туманидаги Деҳқончек кишлоғида янги болалар спорт-соғломлаштириш мажмуи қад ростлади. Кўркам ва шинам бинонинг қурилишига вилоят ҳокимлиги, ширкат ва фермер ҳўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан 40 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.
- Тошкент вилоятининг Ду-кент шаҳарчасида жойлашган Республика ўқув-машгулот бази-сида Ўзбекистоннинг махсус олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди.

Жаҳонда


- Украина президентлигида номзодлар — Виктор Ющенко ва Виктор Янукович иштирокида теледебат ўтказилди.
- Покистоннинг Мингор шаҳридаги кинотеатрлардан бирида бомба портлаши натижасида икки киши ҳаётдан қўз юмди, 29 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ушбу жиноятга алоқадорликда гумон билан бир шахс ҳалққа олинди.
- Катта тортишуларга сабаб бўлаётган Жамму ва Кашмир штатидан Ҳиндистоннинг бир қанча ҳарбий бўлинмаларини олиб чиқиб кетиш ишлари бошланди.
- Ўзбекистонда маҳаллий валюта-ни қалбақлаштирган Трантхи Май Ха ўлим жазосига лойиқ деб топилди.
- Хитойнинг жанубидаги Гуанчжоу шаҳрида дунёдаги энг баланд — 580-600 метр узунликдаги миноранинг қурилиши режа-лаштирилмоқда. Қурилиш иш-лари тезда бошланиши кўзда тутил-ган.



тини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказиш тартиби содда ва раван тилда тушунтирилган. Сайловчилар, депутатликка номзодлар, сайлов комиссиялари аъзолари, қузатувчилар, оммавий ахборот воситалари ва кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган ушбу китоблар Тошкент Давлат юридик институти босмахонасида кўп миңг нусхада chop этилди.

Лазиз РАҲМАТОВ, ЎЗА мухбири

САЙЛОВЛАДИ ТАШВИҚОТИ ҚАНДАЙ ЁРИТИЛАДИ?



Яна бир неча кундан сўнг сайлов кампанияси асосан сайланувчи субъектлар иштирокидан иборат энг масъулиятли паллага киради. Депутатликка номзодлар номи аниқланиб, бу ҳақда матбуотда эълон қилинганидан кейин сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тавсия этилган мустақил номзодлар бир ойдан кўп бўлган вақт давомида — 25 декабрга қадар сайловчилар ишончини қозониш ва албатта сайловлар кунда уларнинг кўпроқ овозларини олишга йўналтирилган ташвиқот ишларини олиб боришади.

Яхши маълумки, тарғибот-ташвиқотнинг энг мақбул ва таъсирчан воситаси сифатида оммавий ахборот воситалари тан олинган. Шуни ҳисобга олган ҳолда сайловолди кампаниясининг эндиги жараёни даврида журналистларга, бевосита телевидение, радио ва газеталар таҳририятлари ҳам катта масъулият юклатилади.

Жумладан, оммавий ахборот воситаларининг қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир иштирокчига тенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиши, ошқоралик, холисоналик, транспарентлик каби масса-медиа мезонларига риоя этиши талаб қилинади. Шу билан бирга оммавий ахборот воситаларига ҳам, сиёсий партиялар ва мустақил номзодларга ҳам муқобил шароитлар ҳам белгиланган. Мажбурий бўлган бепул босма майдони ва эфир вақтидан ташқари, қўшимча тарзда, икки томон келишувига асосан сайловолди ташвиқоти пуллик асосда ҳам олиб борилиши мумкин. Аммо бу борада ҳам тенглик, барча рақобат томон-

ларнинг манфаат ва ҳуқуқлари, ўзаро ҳурмати-ни тақозо этадиган этик-ахлоқий ва сиёсий меъёрларга амал қилиниши лозим.

Кунни кеча матбуотда Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда сайловолди ташвиқот даврини ёритиш тартиби ишлаб чиқилди. Чунончи, оммавий ахборот воситала-

рида чиқишларнинг кетма-кетлиги алифбо тартибиде белгиланди. Ҳар бир субъект учун телевидение ва радиода ҳафталик эфир вақти — қирқ дақиқа, газета майдони А-2 бичимида — бир саҳифанинг ярми, А-3 бичимида тўлиқ саҳифани ташкил этади.

Республика оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиялар ва мустақил номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ёритиш бўйича тасдиқланган ҳафталик жадвалга асосан тегишли оммавий ахборот воситалари билан келишилган ҳолда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ўз номзодларини тавсия этаётган сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий телевидение, радио ва газеталарда чиқиши юзасидан жадвал ишлаб чиқилди. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, «Ўзтеле-радиокомпания»нинг «Тошкент» ва «Дўстлик» («Тошкент» муҳарририяти) теле ва радиоканалларидан ташқари, ушбу жараёнда «Пойтахт-информ» нодавлат радиоси ҳам иштирок этиш истагини билдирди. Сиёсий партияларга, ташаббускор гуруҳларга, ўзини ўзи бошқариш органларига қулайлик яратиш мақсадида қуйида сайланувчи субъектларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиши тартиби ҳамда маҳаллий телевидение, радио ва газеталар таҳририятлари масъул шахсларининг алоқа телефонлари берилмоқда.

Маҳаллий телерадиоканалларда сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакиллариининг ҳафта давомида эфирга чиқиш

ЖАДВАЛИ

№ т/р	Ҳафта кунлари	Сиёсий партия ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази	«Тошкент» телеканали	«Дўстлик» радиоканали («Тошкент» муҳарририяти)	«Пойтахт-информ» радиоси
1.	Душанба	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№ 1)	20.20-20.35 20.35-20.40 20.40-20.55 5 дақиқа - роликлар	5 дақиқа — роликлар 12.15-12.20 12.20-12.35 12.35-12.50	11.00-11.05 11.05-11.20 14.40-14.55 5 дақиқа - роликлар
2.	Сешанба	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси(№ 2)	20.20-20.35 20.35-20.40 20.40-20.55 5 дақиқа - роликлар	5 дақиқа — роликлар 12.15-12.20 12.20-12.35 12.35-12.50	11.00-11.05 11.05-11.20 14.40-14.55 5 дақиқа - роликлар
3.	Чоршанба	Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази (№ 3)	20.20-20.35 20.35-20.40 20.40-20.55 5 дақиқа - роликлар	5 дақиқа — роликлар 12.15-12.20 12.20-12.35 12.35-12.50	11.00-11.05 11.05-11.20 14.40-14.55 5 дақиқа - роликлар
4.	Пайшанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси (№ 4)	20.20-20.35 20.35-20.40 20.40-20.55 5 дақиқа - роликлар	5 дақиқа — роликлар 12.15-12.20 12.20-12.35 12.35-12.50	11.00-11.05 11.05-11.20 14.40-14.55 5 дақиқа - роликлар
5.	Жума	Ўзбекистон «Фидоқорлар» миллий демократик партияси (№ 5)	20.20-20.35 20.35-20.40 20.40-20.55 5 дақиқа — роликлар	5 дақиқа — роликлар 12.15-12.20 12.20-12.35 12.35-12.50	11.00-11.05 11.05-11.20 14.40-14.55 5 дақиқа - роликлар
6.	Шанба	Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№ 6)	20.20-20.35 20.35-20.40 20.40-20.55 5 дақиқа — роликлар	5 дақиқа — роликлар 12.15-12.20 12.20-12.35 12.35-12.50	11.00-11.05 11.05-11.20 14.40-14.55 5 дақиқа - роликлар

Сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакиллариининг сайловолди ташвиқоти материалларини «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида нашр қилиш

ЖАДВАЛИ

№ т/р	Ҳафта кунлари	Сиёсий партия ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази	биринчи саҳифа	тўртинчи-бешинчи саҳифалар
			анонс учун	материал учун
1.	Душанба	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№ 1); Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси(№2)	юқори қисми ўнг томонида	ҳар бирга ёна-ён тўлиқ саҳифадан
2.	Чоршанба	Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази (№3); Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси (№4)	юқори қисми ўнг томонида	ҳар бирга ёна-ён тўлиқ саҳифадан
3.	Пайшанба	Ўзбекистон «Фидоқорлар» миллий демократик партияси (№5); Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№6)	юқори қисми ўнг томонида	ҳар бирга ёна-ён тўлиқ саҳифадан

Изоҳ: «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг ҳар бир сониде сайловолди ташвиқоти материалларини нашр қилиш учун тўртинчи-бешинчи (А-3 ҳажмидаги) саҳифалар ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқача анонс — кириш сўзи ҳам бериб турилади.

Ташвиқот материаллари сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан вақтида — чоп этилиши мuddатига қадар узоғи билан уч кун олдин таҳририятта тақдим қилиниши лозим.

Изоҳ: Ҳар бир сиёсий партияга, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказига бир хил эфир вақти, яъни ҳафтага 40 дақиқадан, шу жумладан кўрсатув (эшиттириш)га 15 дақиқадан 2 марта, 5 дақиқа — сиёсий партия етакчисига, 5 дақиқа — теле(радио) роликлар учун ажратилади. Теле(радио)роликлар ҳафта давомида барчаси (6 таси) ёна-ён ва бир вақтда берилади.

Ташвиқот материаллари сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан вақтида — эфирга узатилиши мuddатига қадар келишилган ҳолда таҳририятта тақдим қилиниши лозим. Таҳририят ва сайлов субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Низомда белгилаб қўйилган ва икки томон ҳам уларга тенг равишда риоя қилиши талаб этилади.

Таҳририятлар телефонлари:
 «Тошкент» телеканали — 144-87-99
 «Дўстлик» радиоканали — 113-30-34
 «Пойтахт-информ» радиоси — 132-26-41 (44 гача)
 «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари — 136-53-10.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА СЎЗЛАР

● **БУГУН** Миллий матбуот марказида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан уюштирилган «Икки палатали парламент сайловлари. Сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг роли» мавзусидаги ўрашувда туман солиқ инспекцияси ходимлари, тadbиркорлар иштирок эттишди.

● **ЎТГАН** кунни Тошкент Давлат консерваториясида Тошкент Давлат юридик институти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида «Янги парламент — менинг келажгим» мавзусида Тошкент шаҳар марафони ўтказилди.

● **ЎТГАН** кунни Яққасарой туманидаги 25-мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши томонидан уюштирилган хайрия тadbирларида кам таъминланган оилалар фарзандларига спорт кийим-кечаклари тўхфа этилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 253, 9-мактабларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан «Камолот»нинг мактаблар бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида «Камолот» ва «Камалот» сардорлари учун ўқув семинарлари ташкил этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университети Халқроқ журналистика факультети талабалари **БУГУН** «Мавнавийт кунлари» доирасида Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Бобо» фильмининг томоша қилишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жигар ва ўт йўллари жарроҳлиги илмий маркази ҳамда Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳамкорликларида жарроҳ шифокорлар иштирокида ташкил этилган илмий-амалий анжуман «Алгоминал жарроҳлиқнинг долзарб муаммолари» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Бастакорлар уюшмасида Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан поляк бастакорлари ҳамда хонадонлари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги 243-мактабда туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида мактабларнинг 5, 8-синфлари ўқувчи қизлари ўртасида волейбол мусобақаси давом этмоқда. Ушбу турнир 20 ноябрда ниҳоясига етади.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги 44-мактабда туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлиmlари ҳамкорликларида «Соғ танда — соғлом ақл» шiori остида 4, 11-синфлар ўқувчилари ўртасида стол тенниси бўйича турнир ўтказилмоқда. Ушбу мусобақалар 20 ноябрда якунланди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида мактабларнинг 5, 9-синфлар ўқувчилари ўртасида шахмат, шашка бўйича мусобақа ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият курилишида фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-tadbirlar тўғрисида»ги Фармони ҳам хотин-қизларимизга бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Мазкур Фармонда таъкидланганидек, маҳаллаларда диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозими ташкил қилинди.

Президентимиз Фармонида кўрсатилганидек, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимга ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўткази оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизлар тайинланиши лозим.

Хўш, ушбу лавозимга кимлар сайланди ва улар бугунги кунда Фармон ижроси йўлида қандай ишларни амалга оширмоқдалар? Шу ҳақда биз бугун маҳаллаларда фаолият олиб бораётган энг фаол туман хотин-қизлар раислари ҳамда маҳаллаларнинг жонқуяри бўлган маслаҳатчилар билан суҳбатлашиб уларнинг фикр-мулоҳазаларини қозоғга туширдик.

● **Муаттар СОДИҚОВА, Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси:**

— Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Президентимизнинг юрордидаги Фармони айни вақтида қабул қилинган бўлиб, унда белгилаб берилганидек, ҳар бир маҳаллага диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиларнинг сайланиши ҳам айни кўнгилдаги иш бўлди. Ҳозирги кунда туманимиздаги мавжуд 45 нафар маслаҳатчиларимиз Фармонда белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида самарали ишларни олиб боришмоқда. Фармоннинг амалдаги ижроси хотин-қизларнинг оилада ва жамият микёсида ўз ақлий салоҳиятлари ва маънавий имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, маънавий маданиятини кўтариш, хотин-қизларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш каби масалаларга қаратилган. Зеро, аёл билимдон, оқила бўлса, оила ҳам тинч, зурриёди соғлом, ақли, мустақил ҳаётга тайёр комил инсон бўлиб воғға етади. Ўз ишига масъулият билан ёндошган маслаҳатчилар туман ҳамда маҳалла хотин-қизлар кўмитаси ва комиссиялари раислари билан ҳамкорликда ўз иш режасига мувофиқ иш олиб боришмоқда. Улар ишни ҳар бир оиллага чуқур кириб, улар билан танишиб, муаммоларини ўрганиб, бартараф қилишга ҳаракат қилишяпти. Ушбу лавозим эгаларининг ҳар бирига гувоҳномалар берилган. Маслаҳатчи аёллар хотин-қизлар билан яқиндан суҳбатлашиб, уларнинг дардини тинглаб қалбига йўл топиб, ишончини қозонишлари йўлида ҳар томонлама кўлаб-қувватланмоқда. Ҳар бир маслаҳатчининг дунёқарашини кенгайтириш, билимини ошириш мақсадида ҳар шеъанба кун мутахассислар — сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари ва бошқа соҳа эгалари билан бирга турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ушбу тadbirlarда жумладан, хотин-қизларимизга сайлов жараёнида ҳақида маълумотлар берилмоқда. Айниқса Ҳайит маросимларини ихчам тарзда ўтказиш, ёш келин-куёвларни ҳайит кунини Самарқанд шаҳ-



рига зиёратга юбориш бўйича туманда тўй қилган хонадонларда тушунтириш ишлари олиб борилди. 100 нафар келин-куёв зиёратга боришни маъқул деб топдилар. 150 та келин умуман ҳайит қилмаслигини, қолганлари эса ихчамлаштирган ҳолда 1 кун ўтказишга қелишиди. Буни албатта қилинаётган ишларнинг ижобий самараси дейиш мумкин. Туманимиздаги маслаҳатчилар

— Маҳалламизда юқорида келтириб ўтилган Фармон ижроси йўлида айниқса аёлларнинг маънавий-маданий, маърифий, ҳуқуқий онгини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун биз маҳалла фаоллари билан биргаликда хотин-қизларнинг оғриқли нуқталарини ўрганиб, керакли маслаҳат ва ёрдам бериб келяпмиз. Маҳалламизда 400 та оила истиқомат қилади.

Ҳозирги кунда оила паспортларини янгиламоқдамиз. Ҳайит айёми муносабати билан ёрдамга муҳтож, кам таъминланган 60 нафар оиллага хомийлик томонидан мурувват ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари 15 та тўй қилган хонадонларга кириб, ҳайит маросимларини ихчам тарзда ўтказиш, келин-куёвларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил қилинган Самарқанд саёҳатига юборишларини маслаҳат бердик. Бу тақлифдан қўлчилад хурсанд бўлди. Маҳалламизда 4 нафар келин-куёв Самарқандга зиёрат қилиб, муқаддас обидаларимиз билан танишиб жуда мамнун бўлиб қайтишди. Шуни ҳам айтиш керакки, маҳалламизда янги ўқув маркази ташкил қилиниб, ҳозирги кунда кўпгина қизлар, ёш келинлар хунар ўрганишмоқда. Шунингдек болалар учун спорт майдончаси очилди. Хуллас, маҳалла ёшларининг бўш вақтларини унумли фойдаланишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Ишсизлар эса туман меҳнат биржаси орқали иш билан таъминланмоқда. Албатта, ҳали келгусида қилинадиган ишлар, режаларимиз бисёр. Маҳалламиз тинчлиги, осойишталиги, оналар ва болалар саломатлиги, оилалар фаровонлигини таъминлаш йўлида бор қуч ва таъжрибамизни аямаслигимиз керак, деб ўйлайман.

● **Насиба ЖАЙНАКОВА, Миробод туман «Қорасув» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси:**

— Президентимиз Фармониға биноан маҳаллада янги маслаҳатчи лавозимининг жорий қилиниши маҳалла ҳаётида янгича жонланишни юзага келтирди. Бугунги кунда ушбу лавозимда иш бошлаб, менга нақадар масъулиятли вазифа ишониб топширилганини чуқур хис қилмоқдаман. Айни кунда режа асосида маҳалла фаоллари, профилаттика нозирини билан биргаликда маҳалла паспортини ишлаб чиқдик. Кам таъминланган оилалар, ишсиз аёллар ва қизларни аниқлаш, уларни иш билан таъминлаш, ёрдамга муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатишга ҳаракат қилаймиз. Шунингдек, ҳар бир оиллага кириб хотин-қизлар билан кўнгилдан суҳбатлашиб уларнинг ташвишларини, дардларини эшитиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришга уриняпмиз.

Бундан ташқари туман маҳаллаларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил қилинган компьютер курслари ҳам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилмоқда. Маҳалладошлар ҳайит ва тўй-ҳашамларини ихчам ўтказиш ҳақидаги тақлифларимизни тўла кўлаб-қувватлаб, яхши қабул қилишди. Мана бугун маҳалламиздаги қайнона-келинлар, кудалар ҳам бу фикрга қувонч билан қўшилиб, ортиқча тоғора, кераксиз сарф-ҳаражатларга чек қўйишди. Бу нимадан далолат беради. Бу албатта халқимиз, айниқса хотин-қизларимизнинг маънавияти, маданияти юксалаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, маданияти, маънавияти юксак маърифатли халқнинг эртаси буюқдир. Бу эзгу мақсадларнинг ҳаётга татбиқ этилишида Президентимиз Фармонлари дастуруламал бўлаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Дилором ИКРОМОВА эиз олди.

Фармон ва ижро

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

Маълумки, ҳар қандай жамиятдаги адолат даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланади. Оила жамиятнинг энг муҳим ва мустаҳкам бўғинидир. Ҳар қандай оиланинг мустаҳкамлиги, пировард натижада ўша оиладаги аёлга болғидир. Оилада аёлнинг, онанинг бош тарбиячи эканлигини тан олган ҳолда тарбия ишига маҳалла, мактаб ҳам масъул эканлигини унутмаслик зарур.

орасида Ҳамза номидаги маҳалла маслаҳатчиси Зарина Даминова, «Нақшошлик» маҳалласидан Раъно Раҳимова, «Хирмонтепа» маҳалласидан Бусора Тиллаҳўжаевалар ўз иш тажрибалари билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

● **Марҳамат АЛИМОВА, Юнусобод туманидаги «Наврўз» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси:**

— Президентимиз Фармони мамлакатимиз хотин-қизларини ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги маъқеани янада юксалтириш каби эзгу мақсадларга йўналтирилганлигидан ниҳоятда мамнунмиз. Мен «Наврўз» маҳалласига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимига сайланганимдан сўнг маҳалла оқсоқоли, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси ва фаоллар билан ҳамкорликда Фармон ижросини таъминлаш бўйича дастлаб тўрт ойлик иш режамизни тузиб олдик. Маҳалламизда 76 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, биз маҳалла фаоллари 100 дан ортиқ оилаларга кириб, қариялар, аёллар, қизлар билан танишиб, уларнинг муаммоларини ўрганишга ва бартараф қилишга киришдик. Қизил Ярим ой жамияти туман Кенгаши билан ҳамкорликда 40 дан ортиқ кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ишсизлар, ўқишга қира олмаган ёшларни иш билан таъминлаб, хунар ўрганишлари учун ўқув марказларига жалб этмоқдамиз. Шунингдек, маҳаллада аёлларнинг маънавий-маърифий онгини юксалтириш мақсадида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Маҳалламизда бу йил 18 та тўй бўлиб ўтган. Мана шу тўй қилган хонадонларнинг ҳар бирига кириб ҳайит маросимини ихчам ўтказиш, келин-куёвларни Самарқанд шаҳрига зиёратга юборишларини тушунтирдик. Кўп оилалар бу тақлифни жон деб қувонч билан қабул қилишди.

Шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, маҳаллада диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши бугунги давримиз учун айни муддао бўлди. Бу борада маслаҳатчиларга жуда катта ишонч билдирилди. Буни суниестемол қилиш керак эмас. Бу вазифа жуда катта масъулият талаб қилади. Бу ишончини оқлашга ҳаракат қилишимиз зарур, албатта.

● **Дилором ИКРОМОВА, Акмал Икромов туманидаги Хуршид маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси:**

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб домо бўла...

● Насиҳат қабул қилмаган кишига насиҳат қилмоқ ўз қадрини синдирмақдир. Очқўз кишини очқўзликдан қутқариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда йўқотмоқдир. Жаҳонда тараққий қилмоқни ихтиёр қилган кишилар иши одобга яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга суяноқ ва ҳамсухбат бўлмоқдир.

- Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга.
- Кўполлики ташлаб, лутфингни кўрсат.
- Токи чўп тушмагай соғлом кўзингга.
- Бировнинг гийбатини қилмагин асло,
- Ночорлик боқмагай нурли юзингга.
- Хар кимга юмшоқ сўз гаширолмасанг,
- Захар қўшмай гашир хар бир сўзингга.

● **ҲИҚМАТ:** ҳақимларнинг ҳиқматларидан келтирилишича, ёлғизликдан кўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

- Байт:
- Ёлғизликдан оғир ганж йўқ жаҳонда,
- Ундан баттар нима, биласанми ҳеч?
- Ёмон улфат билан яшамок эрур,
- Бундай кишилардан узок юру кеч!

● Сахий ва олижаноб кишилар ҳам суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиroyйи хислатларга рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиатли кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабих иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар орасидаги суҳбат тасири худди шамол кабидир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй дилларни бошлаб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан ўтса, муаттар исларни келтиради.

- Байт:
- Хар кимнинг бор экан танида жони,
- Ким билан сўзлашса, бўлар тасири.
- Ёмонлик бўлмаса кишининг афъоли,
- Доим яхши билан хуш суҳбат қура.
- Оғирчилик ва гамгинликда қурилган оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир.

- Суҳбат учун тонсанг доно кишини,
- Ёмонларни яқин йўлатма синҳор.
- Одамларга ёққан фақир доно суҳбати,
- Нодон бойдан кўра яхшидир минг бор!

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

...Саид Маҳмудхон Тўра яна кўп нарсаларни эсларкан, кўнглида чексиз гурур туйди.

Эҳ-хё, бу кутлуг она тупроқда не-не улуғлар ўтмаган, бу қанчалар улуг ва кутлуг тупроқ! У шу тупроғда тугилди, бундан фахру ифтигор қилади, чунки у ана шундай улуғлар ворисидир, ана шундай улуғларни ўстириб вояга етказган халқнинг фарзандидир! Бун юракдан чуқур ҳис этади.

Аммо, афсуски, ундан айрилиқда кун кечиршига мажбур бўлгани кўзини ёшлайди, бағрини ўяди. Аллоҳдан умиди борки, буюк Ватани албатта кун келиб ҳурликка чиқади, дунёга эркин ва озод рух бўлиб парвоз қилади.

У албатта Ватанига — Ўзбекистонга қайтади! Яна бу томони Аллоҳга аёнидир, бордию Ватан озодлигини кўриш унинг тақдирида бўлмаса, шубҳасиз, бу фарзандларига насиб этажак! Насиб этажак! Ва фарзандлари Ватанга қайтиб унинг гуллаб-яшнаши, равнақи йўлида жон фидо қилажакалар!

У фарзандларига бу ҳақда хар лаҳза ўқтириб келади. Ҳа, Ватан, эл-юрт, миллат йўлида фидойилик кўргизиш бобокалони Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийдан, балки ундан ҳам олдинги аждодлардан келаётган кутлуг одатдир ва бу одат авлоддан авлодга ўтаверади, ўтаверади...

Зеро, бу ўзбекнинг қадим-қадимлардан қон-қонига сингиб кетган эзгу одати, мероси...

Бироз изоҳ бериб ўтишни лозим топа-миз.

Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ва унинг даври ҳақида таниқли олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Бу ерда машҳур рус шарқшунослари В.В.Бартольд, А.А.Семёнов, таниқли ўзбек шарқшунос олимлари И.А.Дуллаев, Ҳ.Бобобековларнинг маълум илмий тадқиқотларини назарда тутамиз.

Хусусан, А.А.Семёнов XVI асрда битилган Убайдуллоҳ Самарқандий қаламига мансуб "Сирож-ас соликийн ва латойиф алорифийн", — бошқа номи "Манокчи Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий", — рисоласини чуқур таҳлидан чиқариб, юқорида таъкидлаганимиздек, бу ҳақда китоб ёзди. Бу китобнинг номи "Урта Осиёнинг XVI аср этнографик адабиётининг нодир ёдгорлиги" деб аталади. У 1941 йилда Тошкентда нашр этилган эди.

Исмаиля Абдуллаев наманганлик ёш тадқиқотчилар Муроджон Исмоилов ва Темиргали Икромовларнинг "Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий" (1998) рисоласига ёзган сўзбосида, муаллифларнинг Мавлоно аждод авлодлари ҳақидаги икки нодир шажарани машаққатлар ичра излаб топганлари ҳақида қувониб ёзади. Тадқиқотчилар шажараларни бир-бирига мўқояса қилиб тадқиқ этиб, Мавлононинг ўттиз пушларини аниқлаб чиққанлари, таниқли олимимиз таъкидлаганидек, чиндан ҳам мақтовга сазовор, эътиборга лойиқ кутлуг ишдир. Бу нарса, айниқса, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ва ул зотнинг устозлари, бошқа тарафдан кудалари Маҳдуми Аъзам Косоний сингари машҳур тасаввуф олимлари ҳаёти ва фаолиятлари хали кам ўрганилган бир пайтда катта аҳамият касб этади.

XII Туркия сари

...Афғонистондан кўчган ватандошлар бирин-бирин Покистонга, аниқроғи, Пешоварга боришиб бир тахяконада йиғила бошладилар.

Ҳаммами кузатиб бўлиб энг охирида йўлга чиққан Саид Маҳмудхон Тўра оиласи Пешовардаги таниши Кори Абдусалом ховлисига бориб тушди. Ватандошлар Афғонистондан соғ-саломат чиқиб олганларидан Аллоҳга шукроналар келтирар эдилар.

Бухоро республикасининг таниқли ар-бобларидан, Саид Акрамхон Туранинг кўеви Усмон Ҳўжа ҳақида юқорида таъкидлаб ўтган эдик, у бу пайтда Пешоварда яшарди. Усмон Ҳўжа юртдошлар атрофида парвонадай чарх уриб, уларнинг ёнидан бир лаҳза бўлсин нари кетмади, қўлидан келганча иззат-икром кўргизди.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Ватандошлар Пешоварда қирқ беш кун бўлишган, поезда Покистоннинг бош шаҳри Карачига қараб йўл олдилар. Шаҳарнинг Калакўт номи маҳалласи уларга манзилгоҳ бўлди. Ун беш кун деганда бу ерда ҳам сафар қариди: тўксон икки оиланинг бари бир погурга миниб, денгизда бир ҳафта саёҳат қилиб, Ироқнинг Басра шаҳрига етиб келдилар.

Басрадан йўл Бағдодга тушди. Бағдодда, Бобили муаззамда ўз замонда ўзбеклар томонидан қурилган катта таъя бор эди, қарвон хотиржам ўша ерда кўним топди. Ўзингичи бўлгани қанчалар яхши, эканлигига Саид Маҳмудхон Тўра яна бир марта амин бўлди.

Бу ерларга ҳам ўн беш кунлик насиба

юргизиб келарди.

Жамиятнинг муҳожир ўзбеклар маблагига сотиб олинган Адана шаҳрида жойлашган кўркам биноси ҳозир ҳам ватандошлар билан гавжумдир.

Саид Маҳмудхон Тўра қайси идора билан ҳамкорлик қилмасин, барчасида Ватанга интилиш, Ватан билан алоқалар боғлаш имконларини қидирарди ва шу эзгу ниятда саъй-ҳаракат кўргизарди.

Шу ерда бир чекинши қилсақ деймиш. Ўзбек халқи бой меросга эга. Уни ҳақли равишда олтин мерос деб атайдилар. Мерос доирасини биз бироз кичикроқ тарзда тушуниб келаётганимизни таъкидлаб ўтмоқчийдим.

Мерос деганда, одатда, буюк бобола-

римизнинг хорижга олиб кетилган қўлэзмалари, тарихимизни акс эттирувчи асарлар, давлатимизга оид ҳужжатларни англаймиз. Бу тўғри, албатта. Лекин хорижларда бизларнинг меҳри-

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

РОМАН — ХРОНИКАДАН БОБЛАР

сочилган экан. Фурсатдан фойдаланиб, Саид Маҳмудхон Тўра оиласини олиб Карбало даштига борди ва Имом Ҳасан билан Имом Ҳўсайн қадамжоларини зиёрат қилди.

Шундан сўнғ қарвон Туркия тупроғига қадам қўйди...

Мосул шаҳрига келганларида йўл бевасаномликларини бироз барҳам топгандай бўлди. Йўл ташвишлари, кўч-кўч ғайғайлари жонига теккан Саид Маҳмудхон Тўра ота-боболарнинг "Камбағал бўлсанг кўчиб кўр" деган мақоли маъносини теган англаётгандай эди. "Ҳеч банданинг бошига кўчиш ташвиши тушмасин-а!", дерди Тўра Соҳиб ичиди. У эса бундай ташвиш завлорини бир неча марта тотиб кўриб улгурди.

Мосул шаҳрида қарвонни катта ҳурмат билан қарши олдилар. Майдон гавжум, тантанавор аскарлар мусика янгарди. Ҳориб келган ўзбеклар дастурхонларга тортилган таомлардан тановул айлашар, сафар машаққатлари адо бўлганига ишонгилари келиб-келмай маъсуд бир қайфиятга чулганган эдилар.

Шаҳарнинг катталаридан бири, ҳоқими бўлса керак, сўз олиб бундай деди:

— Хуш келибсизлар! Ҳаммамиз туркмиз. Иншооллоҳ, бу ерда ўз юртингизда юргандек юра оласиз... Сизларни давлатнинг ўзи Ҳимоя қилади.

Кейин ҳоким муҳожирлик шартлари ҳақида гапирди. Муҳожирликнинг икки хил йўли бор.

Биринчиси, "сарбаст муҳожир", яъни эркин, озод бўлиш. Сарбаст истаган шаҳарга бора олади, яшай олади.

Иккинчиси — "Искон муҳожир". Исконлар тўлиқ давлат ҳимоясида бўладилар. Уларга ер, мол-мулк, умуман инсон яшаш учун зарур бўлган ҳамма нарса давлат томонидан муҳайё қилинади.

Саид Маҳмудхон Тўра қарвони муҳожирликнинг сарбаст йўлини танлади. Уларга Кўнб билан Жайлонирордан ер ва жойлар ажратилди, пода-пода қўйлар берилди, қурилиш молларию тахта-ёғочлар билан таъминланди.

Муҳим енгилликлардан бири, сарбаст муҳожирларнинг ўн йилгача давлат солиқларидан озод қилиниши бўлди.

Барча ишлар яхшидек эди, аммо Саид Маҳмудхон Тўра кўнглини она Ватани, Ўзбекистон, Фаргона водийси, Чуст хаёли банд этган, юртга қайтишдек улугумид ҳамиша нурлантириб турарди. Хар намоздан сўнғ "Аллоҳ, ўзинг Ватанга йўл очгин, ўзинг мададкор бўлгин!", деб илтижо қиларкан, "ҳаж" сурасининг ўзи ардоқлаб ўқиб юрадиган охириги уч оятини ихлос билан қироат айларди.

Уни Туркиянинг муҳожидлар ва ғозийлар жамиятига аъзоликка даъват этдилар. Бош қўшди. "Туркистон ёрдамлашма жамияти" эса бевосита ватандошлар ташвишлари билан шуғулланадиган идора эди. Қайси ватандош қаерда истиқомат қилмоқда, тирикчилиги қанақа, аҳволоти нечук — бари-баридан хабардор бўлиб турадиган, лозим топилса кўмак берадиган бирлаштирувчи жамият эди бу. Хар бир ватандош бу жамиятга хар ойда бир миқдор маблағ билан ёрдам бериб турарди, жамият ана шу аъзолик бадаллари ҳисобига фаолият

мизга зор бўлиб ётган бошқа меросларимиз ҳам бор. Масалан, Эроннинг Жавоҳир музейида сақланаётган Амир Темур қиличи, Москвада қурул-аслаха палатасида турган (эшитишимизча) Хива хонининг олтин тахти, Туркияда сақланаётган Мирзо Улуғбекнинг шақин-нигор китоб сандиги ва ҳоказолар ҳам ўзбек халқининг мероси ҳисобланади. Бундай меросимиз жуда кўп.

Энди уларга хорижий мамлакатларда турли даврларда ота-боболаримиз томонидан бунёд этилган иморатлар, бинолар, тақялар ҳам қўшилди. Маълумки, кўп асрлар давомида ватандошларимиз Макка, Мадина, Бағдод, Басра, Қуддуси шариф, Истамбул ва ҳоказо шаҳарларга сафар қилишиб турли сабабларга кўра ўша ерларда муқим яшаб қолганлар. Ўша ерларда ўз маблағлари ҳисобига масжидлар, тақялар ҳамда бошқа иморатлар бунёд этганлар. Ҳа, ҳа, ўша кўчмас мулк дегилдагилар бинолар, уй-жойлар, тақялар ҳам бизнинг меросимиз, мулкимиздир. Мисол учун, Истамбулнинг Ускудор мавзенидаги машҳур ўзбеклар тақясини келтириб ўтиш мумкин. Ҳаммаси ўзбек халқининг мол-мулки ҳисобланади. Бунинг унутмаслиғимиз даркор.

Улар ҳақида ҳам қайғуришимиз керак бўлади. Улар ҳақида қайғуриш мустақил ҳуқуқматнинг, озод Ватан одамларининг ҳаққи-хуққидир.

Шулар ҳақида йўлар эканман, бир ҳодиса эсимга тушди. Тошкентда Россия исти-ласидан сўнғ бир поляк қостёли бино қилинган эди. Қостёл — католикларнинг ибодатхонаси. Ҳозир ана шу қостёл — у Биринчи Тошкент медицина институтининг биносига яқин — полякларнинг саъй-ҳаракати билан таъмирланмоқда. Поляк халқининг мероси-да. Мумкин экан. Энди у Польшадан йироқда, поляк миллати кадрятларини тарғиб этишга хизмат қилади.

Мусофирчиликнинг янги манзилида Саид Маҳмудхон Тўра ватандошларнинг бошини бир жойга қовуштириш, уларга кўмак бериш, Ватан билан алоқалар боғлаш, фарзандлар тарбияси ва бошқа муаммолар билан банд бўлди. Хар қаерда бўлганидек, атрофида муридлару издошлар парвона эдилар, бир лаҳза холи вақтлари йўқ...

Насруллоҳ Тўра соҳиб қаромат, валий падали бузруквори ҳақида кўп нақллар эшитганди. Отасининг ўз оғзидан тингланганлари эса ундан ҳам кўп... Айниқса, Аллоҳнинг бурунган, деган сўзга мисол була оладиган ушбу воқеа ҳеч унинг эсидан чиқмайди.

Жуда гаройиб воқеа... Чустада савдоси юришган, инсофли бир Раҳимбой деган дўкандор бор эди. У эл-юрт ичиди хурмати бандан, ўзига тўқ, уйида сандиги тиллою қумуш, дуру забаржадга тўла, кўрадаги қўй-қўзиларининг маъраши ховлини тутиб ётарди. Суюнбой исмли иши касод бўлган, ичкора бошқа бир дўкандор бунни кўриб ғаша келиб юрарди. Уйлаб-уйлаб ҳасад ўтнда қуйиб-ёниб кул бўлаётган Суюнбой Раҳимбойнинг уйига ўғриликка тушиб, сандигини уриб кетишни кўнглига турди. Уй эгаси ҳамиша хонада болта билан уқлар экан.

(Давоми келгуси сонда)

Шарҳловчи тинбари

«ТИТАНИК» ХИМОЯГА МУХТОЖ

Бундан тўқсон икки йил олдин машҳур «Титаник» кемаси Атлантика океанида ҳалокатга учраган эди. 1985 йили тадқиқотчи Роберт Баллард уни сув остидан излаб топди.

Кема қолдиқлари денгиз сатҳидан 4 километр чуқурликда ётибди. Баланлиги ўн бир қаватли уйга тенг афсонавий кеманинг қолдиқлари ҳар томонга сочилиб кетган. Узоқ вақт сув остида қолиб кетиш кемага ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган.

Роберт Балларднинг фикрича, сув остидаги тарихий ёдгорликни асраб қолиш керак. Яқинда у ўн тўққиз йил олдин туширилган фотосуратларни 2004 йилдаги кузатув пайтидаги олинган суратлар билан солиштириб кўрган. Таҳлиллар унинг ўша пайтдаги жойлашуви билан ҳозирги ҳолатида анча фарқ борлигини кўрсатди. Кема қолдиқларига табиий емирилишдан кўра, «сувенир» ишқибозларининг кўпроқ зарари текин. Чунки бойлик илмида юрган айрим кимсалар уни талон-тарож этмоқда.

Ўтган вақт давомида кемага қанча ҳазина изловчилар келиб кетмаган, дейсиз. «Титаник» топилганидан буён, олти мингдан ортиқ ашё ташиб кетилган. У ердан топилган кема кўнғироқлари, идиш-товоқ, атторлик буюмлари кимошди савдоларида сотилмоқда. 1997 йили режиссёр Жеймс Камероннинг кема ҳақидаги фильми экранга чиққандан кейин ишқибозлар сони янада ортди. Ҳатто, зиёратчилар учун «ҳеч нарсага тегиш мумкин эмас», деб ёзиб қўйилган хотира тахтаси ҳам йўқолган.

«Титаник» гарқ бўлган жойга саёҳат анча қимматли саргузашт. Шундай бўлса-да, кема қолдиқларини кўриш иштиёқида бўлганлар сони кўпайиб бормоқда.

Фарҳод УСМОНОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Мутахассислару мухлислар ушбу учрашувда терма жамоамиз галаба қозонишини аввалдан башорат қилишганди. Чунки меҳмонлар саралаш турнирининг ўтказилган барча бешта учрашувларини мағлубият билан яқунлаб, турнир жадвалининг куйи погонасини эгаллашган. Тўплар нисбати ҳам шунга яраша — 2-20.

Ўзбекистон терма жамоаси эса 4 та галаба ва 1 та дуранг натижа билан гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, мuddатидан аввал кейинги босқичга йўлланмани нақд қилиб қўйганди. Шу боис ҳам кўпчилик учун ушбу учрашув муҳим аҳамиятга эга эмасдек туолганди. Бирок терма жамоамиз мураббийлари ўйинга жиддий ҳозирлик кўришди. Таркибга яна Россия ва Украина клубларида тўп сураётган легионерларимиз жалб этилди.

Хуллас жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларининг учинчи босқичига тайёргарлик вазифасини ўташи лозим бўлган мазкур беллашувда Ўзбекистон

терма жамоаси куйидаги таркибда майдонга тушди: Сафонов, Ашурматов (Копадзе), Фёдоров, Аликулов, Николаев, Қосимов, Кошелев (Бикмаев), Ақопянц,

ди. Шу боис ҳам ушқоқ ҳолда сермазмон, хужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш қилган Равшан Хайдаров шогирдлари биринчи бўлимининг ўзид

тиржам ҳаракат қилган Ўзбекистон терма жамоаси меҳмонларга ҳам ўзларини кўрсатишлари учун имконият яратди. Аммо бундан меҳмонлар бир мартагина унумли фойдалана олишди. Аммо, 1:5 ҳисоби футболчиларимизни қониқтирмасди. Шу боис учрашув яқунлашишига етти дақиқа қолганда рақиблар дарвозаси яна бир марта ишғол қилинди. Завқли дақиқаларга бой кечган беллашув 6:1 ҳисобида яқунланди. Мухлисларни қувонтирган голларни рақиблар дарвозасига Гейнрих, Қосимов (3 та), Шацких, Кошелев йўллашга муваффақ бўлишди.

Шундай қилиб Ўзбекистон терма жамоаси жорий йилги халқаро миқёсдаги сўнгги учрашувни ҳам ажойиб галаба билан яқунлади. Дарвоқе, терма жамоамиз катнашган иккинчи гуруҳдаги Ироқ — Фаластин терма жамоалари баҳси 4:1 ҳисобида ироқликларнинг галабаси билан яқунланди.

(Ўз мухбиримиз)

Футбол

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ГАЛАБА

КЕЧА

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар Ўзбекистон—Хитой Тайпейи терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионати саралаш турнири биринчи босқичи сўнгги учрашувининг гувоҳи бўлишди.

Кирьян, Гейнрих, Шацких.

Дарҳақиқат, шуни таъкидлаш жоизки, терма жамоамиз аъзолари рақибларидан анча кучли, маҳорат бобида ҳам устун эканликларини 90 дақиқа давомида тўла исботлашди. Рақибларимиз ҳар бир чизикда мезбонларга имкониятни бериб қўйиш-

меҳмонлар дарвозасини беш марта ишғол этишга муваффақ бўлишди. Очигини айтиш керакки, агар футболчиларимиз ҳар бир хужумларини самарали туғатишганида учрашув нихоятда йирик ҳисобда яқунлашиши аниқ эди.

Иккинчи бўлимда бироз хо-

САМАРҚАНД МАҲОБАТИ

Франциянинг «Soleil Levant» сайёҳлик ассоциацияси бош қароргоҳида «Самарқанд маҳобати» мавзuida анжуман бўлиб ўтди. Унда қатор савдо ва сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этишди.

— Ассоциация узоқ йиллардан буён Ўзбекистон ва унинг шаҳарлари тарихини ўрганмоқда, — дейди унинг президенти А. Лонгьер. — Самарқанд жаҳон цивилизацияси тараккиётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг меъморий обидалари, тарихий аҳамият касб этиши билан бирга улкан сай-

ёҳлик имкониятига ҳам эга. Учрашувни ўтказишдан мақсад — Франциядан Ўзбекистон ва Марказий Осиёга кўпроқ сайёҳларни жалб қилишдан иборат.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда бугун ҳукм сураётган ижтимоий-иқтисодий вазият, Самарқанд та-

рихи ҳақида батафсил маълумот олдилар. Шунингдек, юртимиз шаҳарлари, сайёҳлик йўналишлари ва Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусикий фестивал тўғрисидаги видеофильмлар намойиш этилди.

Келаси йилнинг баҳорида Тошкент-Хива-Бухоро-Самарқанд-Шахрисабз-Тошкент йўналиши бўйлаб сафар қилишни режалаштирган сайёҳлик гуруҳи вакиллари билан савол-жавоблар кечаси бўлиб ўтди.

«Жаҳон» АА

Мақдони

ЎЗБЕКИСТОНДА КАРАТЭ

Яқинда «Ўзбектеелефильм» студияси томонидан яратилган муаллиф Шойим Бўтаев қаламига мансуб, каратэ спорт турига бағишланган «Ўзбекистонда каратэ» деб номланган янги ҳужжатли фильмнинг тақдими бўлиб ўтди. Режиссёр ва оператор Темураҳмадхўжаев томонидан суратга олинган ушбу фильмда Ўзбекистон миллий каратэ федерацияси атрофига жипслашган каратэчиларимизнинг фаолияти, кўлга киритган ютуқлари ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

Маълумки, Ўзбекистонда каратэнинг ривожланиши бевосита мустақиллик билан чамбарчас боғлиқдир. 1996 йилда Ўзбекистон миллий каратэ федерацияси ташкил этилди. Ўзбек каратэси ўз тарихида нихоят биринчи марта миллий федерацияга эга бўлди. Мамлакатимизда 60 мингга яқин спортчиларни ўз атрофига жипслаштириб, бир мақсад сари йўналтираётган каратэ бугун жозибасию қудрати билан намоён бўлмоқда. Отабек Қосимов, Илхом Каримов, Икром Каримов, Фарҳод Аҳмедов сингари каратэчиларимизни энди жаҳон та-

нийди. Юртимизда каратэ Ватан ҳимоясига, элу юрт тинчлигига, адолат тантанасига муносиб равишда хизмат қилиб келмоқда. Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган деярли ҳар бир чеғарачи каратэнинг қайсидир усулини билади.

Фильмда шунингдек, турли вилоятларда каратэнинг бугунги тараккиёти ҳақида ҳикоя қилинган. Шу билан бирга ички кўшинларда, армия сафларида минг-минглаб каратэ мактабларини битириб чиқилган ёшлар хизмат қилаётганлиги ҳам фильмда ўз аксини топган. Айтиш жоизки, қитъа,

жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари, жаҳон Кубоги баҳсларида, нуфузли мусобақаларда юртимиз каратэчилари шарафига кўп бора байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграган. 2004 йилнинг ўзида каратэчиларимиз Хитой Тайпейида ўтказилган Осиё чемпионатида 3 та олтин ва 2 та бронза медалини кўлга киритганини яхши биламиз. «Ўзбекистонда каратэ» деб номланган мазкур янги фильмни томоша қилсангиз, мамлакатимиз каратэ усталари ҳақида батафсил маълумотга эга бўласиз албатта.

Дилнора ШОКИРОВА



Олтин куз неъматларидан баҳраманд бўлинг...

Наталья Семёнова олган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАРИДОРЛАР ВА ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги 04-7-50 сонли баёнига биноан шу йил 23-26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги Бобур кўчаси, 45-уйда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекчармпойнабзали», «Ўзбекипаги» уюшмалари, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акционерлик компаниялари томонидан 2005 йилда ушбу тармоқлар, хусусий тадбиркорлар ва маҳсулотларига республика ҳудудинда жойлашган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш бўйича Республика улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилди.

Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТИ!

«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Телефонлар: 139-10-93, 139-13-15, 139-10-25.

Спорт

**ЁШЛАР
МАҲОРАТ
КЎРСАТИШДИ**

Шаҳримизда спорт гимнастикаси бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари поёнига етди.

Яқиндагина нафис спорт тури ишқибозлари шаҳримизда бадий гимнастика бўйича ўтказилган «Шарқ гўзали» жаҳон Кубоги босқичи халқаро мусобақаларини олам-олам завқ олган ҳолда кузатгандилар. Бу гал эса спорт гимнастикасининг ёш вакиллари ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Спорт усталари йўналишда баҳс юритган қизлар ўртасида кўпкураш бўйича ҳамшаҳримиз Анна Никова 66,35 балл жамғарган ҳолда хурмат шоҳсуласининг энг юқори поғонасидан жой олди. Яна бир тошкентлик спортчи Татьяна Гайфулина 66,2 балл билан иккинчи бўлди. Учинчи ўрин Фаргона вилояти вакили Фарида Зариповага насиб этди.

Спорт усталигига номзодлар дастури бўйича ўтказилган мусобақаларда эса Фаргона вилоятилик Нарғиза Мадалиевага тенг келадиганлар топилмади. 69,05 балл тўплаган ҳамшаҳримиз Луиза Галиуллина ушбу дастурда иккинчи ўринни банд этди.

Усмирлар ўртасида спорт усталари дастури бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам тошкентлик спорт гимнастикачиси Ринат Сейитов 95,5 балл билан голиблар сафини бошқарди.

Усмирлар ўртасида спорт усталигига номзодлар беллашувида ҳам пойтахт вакили омад кулиб боқди. Яъни 99,15 балл жамғарган Эдуард Шауллов республика биринчилиги голиби бўлди.

Биринчи тоифали гимнастикачилар ўртасида ҳам 100,1 баллга эга Василий Пекшев (Тошкент) барча рақибларидан ўзиб кетди.


Умумжамоа ҳисобида эса Фаргона вилояти терма жамоаси биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Кейинги ўринлар Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ёш спортчиларига насиб этди.

**ШАХМАТЧИ-
ЛАР
БЕЛЛАШДИ**


Шаҳримизда шахмат бўйича анъанавий «Тошкент кузи» мусобақалари бўлиб ўтди.

Асосан ёшлар куч синашган турнирда голиблик бирорта ҳам мағлубиятга учрамаган ҳолда 12 очко тўплаган спорт усталигига номзод Э.Назаровга насиб этди. Ундан бир очко ортда қолган А.Касян иккинчи ўрин билан кифояланди.

Турнирда қизлар ҳам ўз кучларини синаб кўришди. (Ўз мухбиримиз)



Дзюдо



**«ДИНАМО» ВАКИЛЛАРИ
БИРИНЧИ**

Шаҳримиздаги МХСК спорт залида икки кун давомида ўсмирлар ва катталар ўртасида дзюдо бўйича Тошкент шаҳар Кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди.

Унда «Динамо», МХСК, «Ёшлик», 11-БЎСМ, «Трактор», Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Ички ишлар академияси клублари, Республика олимпия заҳиралари коллежи ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети жамоалари вакиллари иштирок этди. Беллашувлар 60 килограммдан бошлаб 100 килограммдан ошқича бўлган жами саккизта вазн тоифасида ўтказилди.

Кубок беллашувлари кескин ва мурасасиз кечди. Иштирокчилар дзюдо техник усулларини чиройли ижро этган ҳолда мухлислар олқишларига сазовор бўлишди.

Энг оғир вазнда кураш доимо қизиқарли ва кескин кечади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ушбу вазнда сўнгги учрашувда «Динамо» клуби вакили Фазлиддин Қурбонов ҳамда Ички ишлар вазирлиги академияси тингловчиси Ғуломовлар ўзаро рўбарў келишди. Финал баҳсида дзюдо усулларини кетма-кет қўллаган Ф.Қурбонов тўла устунликда галаба қозонди.

73 килограммгача курашчилар ўртасидаги финал учрашуви ҳам ҳаяжонли дақиқаларга бой кечди. Унда тажрибали яккакураш устаси Сергей Петрянин («Динамо») рақибини елкасидан ошириб

ағдарган ҳолда чиройли галабага эришди. Ушбу вазнда энг кўп — 32 нафар дзюдоччи галаба учун кураш олиб боргани сабабли Петряниннинг бош мукофоти айниқса қадрли бўлди.

Шуни айтиш кераки, 90 килограммгача вазнда куч синашган Республика олимпия заҳиралари коллежи вакили Бахтиёр Менглиқулловни истисно этганда, қолган барча голибларни «Динамо» клуби вакиллари ташкил этди. Қуйида уларнинг исм-шарифларини келтириб ўтаемиз. Эркин Кодиров, Ерлан Рустамов, Ильёс Сагиров, Вячеслав Перетейко. Фазлиддин Қурбонов муғлақ вазнда ҳам голиб қикқан ҳолда иккита бош мукофотнинг соҳиби бўлди.

Голиб ва совриндорлар дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. (Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Кубок баҳсларидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

Гепатит А касаллиги кўзгатувчи мандаб бўлиб ўткир инфекция жароғининг турли шакллари бошидан кечираватган беморлар ҳисобланади. Касалликнинг сариксиз ва клиник аломатларисиз кўриниши билан оғриётган беморлар касаллик кўзгатувчи мандаб сифатида энг муҳим эпидемиологик аҳамият касб этишади.

Гепатит А касаллигининг яширин даври 7 кундан 45 кунгача (ўртача 23-25 кун) давом этади. Беморнинг нажаси билан вирус энг кўп миқдорда касаллик ширини даврининг охириги 7-10 кунлари на сариқлик олди даврида ажралади. Айнан шу даврларда беморлар касаллик юқтирувчи сифатида атрофдагилар учун энг хатарлидир. Сурункали вирус ташувчилик мавжуд эмас.

Касаллик соғлом кишиларга машай мулоқот, озиқ-овқат ва сув йўллари орқали юқади. Вирусли гепатит А касаллиги аста-секин авж олиб боради ва беморнинг тана ҳарорати кўтарилиб, эти увишади. Бош ва бутун баданда оғрик пайдо бўлади, кўнгил айнаб айрим ҳолларда қайт қилади. Дармон куриши

Вирусли гепатит А — ўткир юқумли касаллик бўлиб, у биринчи навбатда жигарни зарарлайди, қолаверса ҳар хил кўринишдаги жиддий асоратлар бериши билан ёш болаларда кўпроқ учрайди. А вируси пикорно вируслар оиласига мансуб, у ташқи муҳит таъсирига чидамли. 4°С ҳароратида бир неча ой мобайнида, 20°С ҳароратда бир неча йил, хона ҳароратида бир неча ҳафта мобайнида сақланиши мумкин. Қайнатилганда вирус фаоллигини йўқотади.

Саноатчилик

**ГИГИЕНА ҚОИДАЛАРИГА
РИОЯ ҚИЛИНГ**

аста-секин кучайиб, меҳнат қобилияти пасайиб кетади, ланжлик пайдо бўлади. Қорнида оғрик, диспепсик ҳодисалар кузатилади. Баданда сариқлик пайдо бўлади, сийдик ранги тўқлашади, ахлат рангсизлашади, кўз склераларида энгил сариқлик пайдо бўлади. Сариқлик даврида пайдо бўлган белгилар аста-секин камайиб боради ёки бутунлай йўқолиб кетади. Асосан бадандаги сариқлик 1-2 ҳафта давомида туради. Унг қовурганлар остида оғирлик ва оғрик пайдо бўлади, жигар катталашади. Касалликдан кейин иммунитет ҳосил бўлади, сурункали гепатитга ўтиш кузатилмади.

Вирусли гепатит касаллиги билан оғримаслик учун қуйидагиларга амал қилинг:
— овқатлишдан олдин ва хожатхонага кириб чиққандан сўнг илбатта, қўлингизни совунлаб ювишга одат қилинг;
— сабзавот ва меваларни водопровод сувида ювиб, сўнг истеъмол қилинг;
— водопровод суви бўлмаган жойларда қайнатилган сувдан фойдаланинг;
— ариқ, ховуз ва қудуқ сувларини қайнатмасдан ичманг, чунки бундай сув манбаларида ҳар хил юқумли меъда-ичак касалликларини кўзгатувчи микроблар бўлишини унутманг;

— бемор фойдаланган идиш-товок, сочик, кийим-бошлардан фойдаланманг;
— болалар муассасалари, сув таъминоти манбалари, тозалаш қурилмалари, умумий овқатланадиган, савдо корхоналари санитария қоидаларига риоя қилиш керак.

Юқорида келтирилган оддий гигиена қоидаларига риоя қилсангиз, вирусли гепатит ёки сариқ касаллиги билан оғримайсиз.

**Н.ЛУТФУЛЛАЕВА,
Чилонзор тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудири.**

Бургутнинг парвози ўта гўзал, бошқа йиртқич қушларга қараганда у жуда энгил учади. Ўта тезкор-яшин тезлигида ўлжага учиб келади ва яқинлашганда тезлигини кескин пасайтиради. Бургутдан хозирги вақтда ҳам мохир овчи сифатида фойдаланадилар. Балик, қалқик ва қуён, ҳар хил мириувиқчилар билан озиқланади. Шунингдек, жайрон болалари, қуй-қўзилар, ҳатто тулқиларни ҳам тутиб ёйди. Бургут тошбақани чангалида ушлаб, катта баландликдан тош қоялар устига ташлайди, унинг қосаи чилпарқан бўлиб кетади, кейин тошбақа гўштини ёйди.

Ўз замонасининг машҳур билимдони К.Линней бургут

таърифларда бургутнинг олижаноб қиёфаси акс эттирил

Табият ажройиботлари

ОЛТИН ШУНҚОР

Бургутнинг ранги кўнғир ёки қора-кўнғир, қорин томони оқроқ, дум патлари қора-кўнғир, учлари эса тим қора бўлади. Канотларини очганда 740 сантиметргача боради, оёқлари жуда кучли, одам ховучидек келадиган панжаси айқ товонига ўхшаш, ўткир тирноқлари бор.

ни олтин шунқор деб атаган, инглизлар, шведлар, французлар ва данияликлар шох бургут деб атаганлар. Бундай

ган. Бургут тимсоли неолит ва бронза давридан эътиборан ҳар хил халқлар маданиятида

учрайди. Бизнинг эраимизгача 7-3 асрларда йиртқичларга сизиниш одат тусига кирган даврда бургут халқнинг энг сеvimли тасвири бўлган. Кўпчилик буюмлар унинг тасвири туширилган суратлар билан безатилган. Жумладан, ҳарбийлар кийимлари, асбоб-анжомларидида тасвирлар аскарларга кучқудрат, довиорақлик, чакқонлик рамзи бўлган.

Бургут кўпчилик қўшиқларда, поэмаларда ва шеърларда тилга олиниб, қуйланади унга бағишлаб турли туман мақоллар, маталлар яратилган.

**Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.**

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Хажми — 2 боёма табоқ офсет усулида боёнади.
2812 нускада боёнади. Қўноқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақониси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Мурасис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги